

ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ ТУРИ ВОСИТАСИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ МАЗМУНИ

Жўрабек Максудбаевич Шукурллаев

Тошкент вилояти ЧДПИ «Жисмоний маданият» кафедраси ўқитувчиси

Мухсинбек Мухторович Хончаев

Тошкент вилояти ЧДПИ «Жисмоний маданият» таълим йўналиши
2-курс талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашувнинг мазмуни юзасидан кўрсатма ва таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар: акмеология, волейбол, жисмоний тарбия, ўқувчи, ривожланиш, машғулот, натижа, сифат.

CONTENT OF ACMEOLOGICAL APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL QUALITIES IN SCHOOL STUDENTS THROUGH VOLLEYBALL SPORTS.

ABSTRACT

This article provides guidance and suggestions on the content of the acmeological approach to the development of physical qualities in schoolchildren through the sport of volleyball.

Keywords: acmeology, volleyball, physical education, student, development, occupation, result, quality.

КИРИШ

Ривожланган жаҳон мамлакатлари каби бизни таълим ва спорт ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. “Давлат-таълим-ўқувчи-ота-она” ҳалқаларини бирлаштириб, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим, профессионал таълим, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларини бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, боғча тарбиячиси,

мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлилар эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб белгиланганлиги “III Ренессанс даври жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик таълими назарияси ва амалиётининг акмеологик асослари”ни ўрганиш муаммосини тадқиқот объекти қилиб белгилашга туртки бўлди.

Чунончи, бугунги кунда Ўзбекистон спортчилари жаҳон спорт ареналарида юқори ўринларни эгаллаб юксак натижаларга эришмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси”да давлат спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркиби, хусусан, олий маълумотлилар сонини босқичма-босқич 80 % га етказиш; спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчилари учун илмий-мажмуа лабораториялар ташкил этиш, тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда спорт соҳасида самарали тиббий ва фармакологик таъминотни йўлга қўйиш тизимини жорий этиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон, 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019 - 2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-қарори ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига тааллуқли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни ижтимоий-педагогик жиҳатдан илмий-назарий ҳал этишга муайян даражада хизмат қилади.

Акмеологик ёндашув ўқитувчи шахсига қадрият, мақсад, субъект, натижа ва самарадорликнинг бош мезони сифатида муносабатда бўлади. Чунки шахс доим ўзини ўзи ривожлантириши учун керакли вазиятларни танлайди, бу вазиятлар унинг онгида ўзини ўзи англаш, намоён этиш, такомиллаштириш, ўзини кўрсатиш зарурати билан пайдо бўлиб, шахс ўзининг касбий ва индивидуал ривожланиши учун энг мақбул йўл тутишга ҳаракат қилади.

НАТИЖАЛАР

Таҳлиллар ва кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунга қадар таълим жараёнида III Ренессанс даври жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик таълими назарияси ва амалиётининг акмеологик асосларини аниқлаш устивор мақсад сифатида белгилаб қўйилмаган. Мазкур мақсадни амалга оширишга хизмат қиладиган ўқув жараёнини ташкил этиш, унинг типлари ва турларини аниқлаш, мазкур жараёнда қўлланиладиган методик воситалар, усуллар, методлар, технологиялар ва стратегиялар аниқланмаган ва дидактик жиҳатдан таҳлил этилмаган.

Бу эса бизда жисмоний тарбия ўқитувчи ёки мураббийнинг машғулот педагогик таълими назарияси ва амалиётининг акмеологик асослари” тарзида танлашга турки бўлди. Жумладан, Сўнгги йилларда жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассисларининг касбий камолотини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари бўлажак ўқитувчиларнинг касбий камолоти учун мониторингини шакллантириш, спорт-педагогик фаолият мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш, ўқувчиларда касбий маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, педагогнинг ўзини ўзи камол топтириши, тренер фаолияти ва шахсини тавсифловчи психологик хусусиятлари ва бошқаларни амалда қўлланилишидир.

ХУЛОСА

Прогрессив ривожланишга ҳамда биринчи навбатда шахснинг профессионализи ва муайян меҳнат субъектлари фаолиятининг тараққиётига имкон берадиган талаблар, шароит ва омилларни шакллантириш, ёш волейболчиларнинг сифат кўринишини ўзгартириш тизимини ифодалайди.

Акмеологик хулосалар натижаларининг катта амалий аҳамияти шундаки, улар инсонни қандай шароитларда интеллектуал, жисмоний ва маънавий фаоллик чўққисига олиб чиққанлиги тўғрисида маълумотлар билан асосланади.

REFERENCES

1. Шукурллаев Ж.М. Бошланғич синф ўқувчиларини волейбол спорт турига саралаб олиш усулларини такомиллаштириш. “Бошланғич таълимни компетенциявий ташкил этиш: назария ва амалиёт” мавзусидаги онлайн ҳалқаро илмий-назарий анжуман. 2020-йил 28-апрел.

2. Жўрабек Максудбаевич Шукурллаев ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ ТУРИДА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК АКМЕОЛОГИЯСИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 9 | 2021
3. Утепбергенов А.К, Шукурллаев Ж.М. Особенности акмеологического подхода и системы дидактического обоснования развития физических качеств у школьников средствами волейбольного. Экономика и социум №3(82) 2021.
4. Шукурллаев Ж.М. Ўқувчи ёшларни волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. ACADEMIC RESEARCH in EDUCATIONAL SCIENCES. №.1. 2020 2-октябр.
5. Жисмоний тарбия ва спорт журнали. 2018-йил.
6. Шукурллаев Журабек Мақсадбаевич. Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашувнинг дидактик имкониятлари. Халқ таълими. № 5 2021 йил 28-30-бет.
7. Шукурллаев Журабек Мақсадбаевич. Кластер ёндашув асосида волейболчиларнинг жисмоний кўрсаткичларини ривожлантириш. Халқ таълими. № 5 2021 йил 57-59-бет.
8. Утепбергенов А.К. Шукурллаев Ж. М. PRELIMINARY STAGES OF DIDACTICS IN THE PROCESS OF AKMEOLOGICAL APPROACH TO VOLLEYBALL SPORTS. 28-31. METHODOICAL RESEARCH JOURNAL.
9. Шукурллаев Журабек Мақсадбаевич. ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ ТУРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ЁНДАШУВ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ “ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР” халқаро илмий-амалий анжумани.
10. Шукурллаев Ж.М. 7-14 ёшли мактаб ўқувчиларини волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. “Муғаллим ҳам узликсиз билимлендириў” 2-сон. 2019-йил. Некис.ш. Б.153-156.